

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ФЕЪЛЛАР ГРАДУОНИМИЯСИДАГИ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАР

Отабоева Мазмуна Раҳимовна,

Ўқитувчи Қўқон Давлат Педагогика Институтини, Фарғона, Ўзбекистон

E-mail:mazmuna.rahimovna@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақола ўзбек ва инглиз тилларидаги феъллар градуонимиясининг аллоьорфик ва изоморфик хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда грамматик ва семантик категориялардаги даражаланишлар фарқланган. Шунингдек, чоғиштирилаётган тилларда мисоллар келтирилган.

Калит сўзлар:грамматик категория, семантик категория, ҳолат феъллари, ҳаракат феъллари, нисбат категорияси, градуонимик қатор, даражаланиш, градуонимия.

Турли тиллар оиласига мансуб бўлган ўзбек ва инглиз тиллари ўзларига хос грамматик категориялар ва семантик маъноларга эгадирлар. Бир тилда мавжуд бўлган грамматик категория иккинчисиди мавжуд бўлмаслиги ёки аксинча, бир тилдаги семантик категория иккинчи бир тилга хос бўлмаслиги мумкин. Қардош бўлмаган ўзбек ва инглиз тилларида ҳам грамматик ва семантик категориялар тилларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб тасниф этилган. Ҳар икки тилларда грамматик ва семантик категориялар таҳлил қилиниб, қуйида уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ёритиб ўтамыз. Даставвал грамматик категориялардаги даражаланишнинг универсал ва дифференциал томонларни кўриб чиқамиз.

Ўзбек тилида феълларнинг нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, шахс-сон, замон, майл категориялари мавжуд бўлса, ҳозирги инглиз тилида эса феъл сўз туркумининг нисбат, майл, замон, аспект, шахс-сон категориялари. мавжуд: Ўзбек ва инглиз тилларида ҳам нисбат категорияси мавжуд бўлиб, ўзбек тилида феъл нисбатларининг бешта, инглиз тилида эса иккита тури мавжуд ва ўзбек тилида нисбатлар ўзаро субъектнинг ҳаракатни бажариш мавқеига кўра: *аниқ/ўзлик→биргалик→орттирма→мажҳул*; ҳаракат бажарилишида ўзга шахслар микдорининг ошиб боришига кўра: *ўзлик→орттирма→биргалик*; ҳаракат бажарилишида ўзга шахсларнинг таъсирига учраш даражаси бўйича: *мўътадил (аниқ, ўзлик, мажҳул) → тенглик ёки ҳамкорлик (биргалик)→тобелик (орттирма)* ва ҳаракат аниқлигининг камайиб (узоқлашиб) боришига кўра: *аниқ → ўзлик → биргалик → орттирма →мажҳуллик* тарзида даражаланади. Инглиз тилида эса иккита нисбат мавжуд холос, аниқ ва мажҳул нисбатлар. Улар орасидаги ҳаракат бажарилишида шахсларнинг иштироки ўзбек тилидаги каби нисбат қўшимчалари орқали эмас, алоҳида лексик birlikлар орқали ифода этилади. Шу сабабдан инглиз тилидаги нисбат турлари орасида даражаланиш кузатилмайди.

Хар иккала ўрганилаётган тилларда ҳам майл категорияси мавжуд бўлиб, ўзбек тилида майл категорияси ўзаро феълда акс этган ҳаракат мундарижасининг воқеликка (ҳодисага) айланиш имкониятига кўра: *мақсад майли*→*буйруқ/истак майли*→*шарт майли* (*шартли майл*)→*хабар майли* ва I шахсининг ички семантикасидаги нозик маъно оттенкалари орқали ҳам даражаланади: *мен ҳам борсаммикан* (*кучсиз истак*) → *мен ҳам борайин* (*истак-илтимос*) → *мен ҳам борайинда* (*илтимос-истак*) → *менинг ҳам борганим бўлсин* (*ўз-ўзига қатъий даъват*). Инглиз тилидаги майл категорияси формаларини ҳаракатнинг реалликдан нореаллик томон ўзгаришига кўра *the Indicative mood* (*аниқ майл*)→*the Imperative mood* (*буйруқ майли*) → *the Subjunctive mood* (*истак майли*) тарзида даражалаш мумкин. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар иккала тилларда ҳам феъл майллари орасида даражаланиш мавжуд.

Ўзбек ва инглиз тилларида ҳам сўзланиб турган вақтга кўра уч хил замон фарқланиб, улар замонлар орасида ҳаракат давомийлиги асосида *ўтган замон*→*ҳозирги замон*→*келаси замон*; *Past Tense*→*Present Tense*→*Future Tense* тарзида тадрижий кетма-кетликда жойлашади, шунингдек, ўзбек тилида ўтган замон маъносида ҳам градуонимияни кузатиш мумкин: ўтган замоннинг нутқ лаҳзасидан узоқлашиб боришига кўра: *яқин ўтган замон* (-ди) – *узоқ ўтган замон* (-ган, -ган эди); ўтган замон маъносининг ишончлилиқ (модаллик) даражасига кўра: *аниқ замон* (-ди) →*натижали узоқ ўтган замон* (-ган, -ган эди) →*жуда аниқ бўлмаган эшитилганлик форма* (-иб+шахс/сон, -иб+эди шахс-сон); ўтган замон ҳаракатининг ҳолат томон боришида (динамикликнинг йўқола боришида): *борар эди*→*борди*→*борган* каби. Шу ўринда инглиз тилида аспект категорияси замон категорияси билан боғлиқ эканлиги туфайли аспект категориясидаги даражаланиш каторини мисол тариқасида келтириш мумкин. Инглиз тилида ҳозирги замон аспектлари орасида ҳаракатнинг давомийлигининг ифодаланишига кўра: *Present Perfect Continuos* →*Present Continuos*→ *Present Simple* даражаланиш каторини ҳосил қилиш мумкин.

Ўзбек тилидаги бўлишли-бўлишсизлик категорияси шакллари орасида *ўқиган* ва *ўқимаган* сўзлари орасида модаллик маънолари асосида оралик даражаланувчи маънолар мавжуд бўлса-да, улар орасидаги оралик маънони ифода этувчи алоҳида лексема мавжуд эмаслигини инобатга олиб, бу категорияда даражаланиш ҳодисаси кузатилмайди, деган хулосага келиш мумкин. Чунки даражаланиш кўшимчалар ёки модаллик маънолари ёрдамида эмас, алоҳида лексемалар орқали яққол намоён бўлади. Инглиз тилида эса бўлишли-бўлишсизлик категорияси морфологик категория сифатида эътироф этилмайди. Бўлишсизлик инглиз тилида **not** инкор юклмаси ёрдамида лексик усулда шаклланади ва бу категорияда ҳам даражаланиш ҳодисаси мавжуд эмас, деган хулосага келинади.

Ўзбек тилида феъллардаги олтита маъновий гуруҳларининг барчасида даражаланиш кузатилган бўлса, инглиз тилидаги феъллар эса еттита семантик гуруҳларга ажратилиб,

уларда даражаланиш ўрганилди. Улар орасида бир нечта универсал ва дифференциал томонлар мавжуд. Ўзбек ва инглиз тилларидаги ҳаракат феъллари инсоннинг тана аъзолари ҳаракати, жонли ва жонсиз предметларнинг ҳаракати билан боғлиқ сўзларни ифода этади ва чоғиштирилаётган тиллардаги ҳаракат феълларида даражаланиш юз беради. Масалан, ўзбек тилидаги “объектни ёпиш” семали *илгакламоқ*, *тамбаламоқ*, *қулфламоқ*, *занжирламоқ* феъллари орасидаги “ёпиш” белгисининг кучлилиги бўйича фарқланиш изоҳлари билан келтирилди. Инглиз тилида эса *fall* (йиқилмоқ, қуламоқ) ва *push* (итармоқ) феълларининг луғат ва тезаурусдаги синонимлари изоҳлари билан берилиб, улар орасидаги маъновий фарқлар мавжудлиги кўрсатилди. Чоғиштирилаётган тиллардаги ҳаракат феъллари маъно жиҳатдан бир-биридан фарқланувчи эквивалентлар ҳисобига уларда даражаланиш юзага келади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари инсон табиатига хос жисмоний ва руҳий ҳолатни акс эттиради, инглиз тилида эса бундай маъноли феъллар гуруҳи тафаккур феъллари (mental verbs) таркибига киради. Инглиз тилидаги тафаккур феъллари (mental verbs) бир неча гуруҳларга бўлиниб, бу гуруҳ тафаккур ҳолати ва жараёни, ҳис, муносабат, хоҳиш, идрок қилиш ва мулоқотни қабул қилиш каби маъноларни англатувчи феъллар гуруҳини ўзида жамлайди. Ўзбек тилидаги муносабат ва тафаккур феъллари алоҳида семантик гуруҳларга ажратилган бўлса-да, инглиз тилидаги тафаккур феъллари (mental verbs) англатган феъллар семасига кўра ушбу гуруҳ маъноларига тўғри келади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари маъноларида даражаланишнинг мавжудлиги *ачинмоқ* феъли синонимлари мисолида келтирилган. *Ачинмоқ* феълнинг *афсусланмоқ*, *куйинмоқ*, *куймоқ* каби маънодошлари мавжуд бўлиб, *куйинмоқ*, *куймоқ* сўзларида белги даражаси кучли эканлиги билан фарқланиш мавжуд. Муносабат феълларида даражаланиш *ёқтирмоқ*, *севмоқ*, *кўнгиш қўймоқ*, *яхши кўрмоқ*, *ошиқ бўлмоқ* каби сўзлар орасида муносабатнинг кучайиб бориши асосида англанади. Тафаккур феълларидан *ўйламоқ*, *фикрламоқ*, *тафаккур қилмоқ*, *хулоса чиқармоқ* лексемалари тафаккурнинг фикр пайдо бўлгандан то хулоса чиқаришга қадар босқичлари бўйича даражага эга. Инглиз тилидаги тафаккур феъллари (mental verbs) гуруҳида даражаланиш *want* ва *demand* феъллари мисолида уларнинг маъно жиҳатдан фарқланувчи лексемалари изоҳлари орқали келтирилди. Унга кўра ушбу сўзлар хоҳиш ва талабнинг ортиб ёки камайиб боришига кўра фарқланади.

Ўзбек тилидаги нутқ феъллари инглиз тилидаги мулоқот феъллари (communication verbs) билан маънодош бўлса-да, инглиз тилидаги баъзи бир феъллар ўзбек тилидаги нутқ феъллари гуруҳига мансуб эмас. Чунки ўзбек тилидаги нутқ феъллари гапириш билан боғлиқ сўзларни ифодаласа, *write*, *read* феъллари инглиз тилидаги мулоқот феълларига тааллуқли бўлиб, бу сўзлар ўзбек тилидаги нутқ феъллари маъновий гуруҳига эмас, натижали фаолият феъллари гуруҳига мансубдир.

Ўзбек тилидаги нутқ феълларида даражаланиш *гапирмоқ* феъллининг *сўзламоқ* ва *сўйламоқ* каби маънодошлари билан қўлланиш кўламига кўра белгиланади. Инглиз тилидаги мулоқот феъллари (communication verbs) гуруҳига кирувчи *talk* (*гаплашмоқ*) феъллининг синонимлари изоҳлари билан келтириб ўтилди ва уларнинг маъноларидаги фарқли семалар даражаланишга асос бўлиши аниқланди.

Ўзбек тилидаги натижали фаолият феъллари ҳаракат натижасига йўналтирилган сўзларни ўз ичига олади, инглиз тилида бундай маъноли феъл гуруҳи мавжуд эмас. Ўзбек тилидаги натижали фаолият феълларига *қурмоқ* ва унга қарама-қарши маъноли *бузмоқ* феълларининг маънодошлари изоҳлари орасида даражаланиш мавжудлигини кузатдик.

Инглиз тилидаги сабаб феъллари (causative verbs) доирасида янги ҳолатни пайдо бўлишига ёрдам берадиган, таъсир кўрсатадиган феъллар гуруҳи мавжуд бўлиб, ўзбек тилида феълларнинг айнан бундай маъновий гуруҳи фарқланмайди. Сабаб феъллари гуруҳидан *motivate* феъллининг маънодошлари орасида руҳлантиришнинг кучайиб боришига кўра даражалаш мумкин. Ушбу гуруҳ аъзолари миқдор жиҳатдан озчиликни ташкил этса-да, ўзаро маъно жиҳатдан фарқли аъзолари мавжудлиги сабабли уларда градуонимия кузатилади.

Инглиз тили семантик категориялари ичида verbs of occurrence (содир бўлиш ҳолати феъллари) гуруҳи ҳам мавжуд, бироқ ўзбек тилида бундай категория ажратилмайди. Яна шундай категориялардан verbs of existence or relationship (мавжудлик ёки алоқадорлик феъллари) ва verbs of aspect (аспект ёки кўмакчи феъллари) феъллари гуруҳлари мавжуд. Содир бўлиш ҳолати ва мавжудлик ёки алоқадорлик феъллари гуруҳида даражаланиш ҳодисасини кузатиш камдан-кам учрайди. Аспект феъллари ўзаро синоним ва антонимларга эга эканлиги сабабли уларда даражаланиш мавжуд.

Ўзбек ва инглиз тилларида феъл семантик категориялари мавжуд бўлиб, улар ўзларининг тил хусусиятларидан келиб чиқиб тасниф этилади. Шунинг учун ҳам улар бир-бирига айнан мос келувчи маъновий гуруҳларни ташкил этмайди. Ўзбек тилидаги барча семантик гуруҳларида даражаланиш кузатилади. Инглиз тилидаги айрим феъл гуруҳларида даражаланиш яққол кўзга ташланмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Джумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия. Монография. – Тошкент: Мумтоз сўз.
2. Раҳмонов Ғ. Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати: Филол. фан. б.ф. д-ри ... дисс. – Фарғона, 2019. – Б.8.
3. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – Б.7-10.

-
4. Malika Rajapova. EFFECTIVE WAYS OF COMMUNICATIVE LANGUAGE TEACHING ISSN: 2249-7137 Vol. 11. – 2021.
 5. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол.фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1997. – Б.152.